



Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати нашри

Боғланиш учун эл.кутиси: erkinyurt2011@gmail.com

2011 йил,
№8

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ МУРОЖААТИ

(Конституция кунига)

Тунис, Миср, Ливия, Йемен халқлари ўзларига даҳшатли зулм ўтказган диктаторларни тахтларидан йиқитдилар. 22 йилдан бери ноқонуний равишда ҳокимиятда ўтирган И.Каримов диктатурасининг ҳам йиқилиш вақти келди.

– 22 йилдан бери Каримов халқимизнинг бутун ташаббусларини бўғди. Инсонларимиз эркин меҳнат, тадбиркорлик, эркин тижорат, эркин ижод қилиш ҳаққидан маҳрум қилинди.


– Сўз ва фикр эркинлиги, эътикод эркинлиги таъқиқланди. Уларни ҳимоя қилиб чиққан сиёсий ва диний муҳолифат йўқ қилинди, қамоққа ташланди, сургунга юборилди.

– Каримов 2005 йилда дунё жамоатчилигининг кўз ўнгида Андижонда ўз инсоний ҳуқуқларини талаб қилиб кўчага чиққан мингларча инсонни ўққа тутиб ўлдирди.

– Бугун инсонларимиз очлик ва совуқда дийдираб эканлар, Каримов ва унинг ҳамтовоқлари халқнинг мол-мулкини ўғирлаб, ҳаром йўл билан даб-дабали ҳаёт кечирмоқда ва тўплаган миллиардлаб долларларини, олтин ва кумушларни Швейцария банкаларига кўчирмоқдалар. Бу қароқчиларнинг куни битди, улар буни билишади ва шунинг учун улар бойликларини чет элга кўчирмоқдалар. Ўғриларнинг қочишига йўл қўймаг!

Уларнинг буйруқларига буйсунманг, ишларини бойкот қилинг! Бу йўлда биз билан ҳамкорлик қилинг!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ ШВЕЦИЯДА РЎЙХАТДАН ЎТДИ



ЎХХ вакиллари Швеция расмий доираларига ҳаракатни расман рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилган эди. Бу мурожаатга ЎХХ нинг Да-стур ва Низоми, қурултойининг протоколи ило-ва қилинганди. Бу ерда Швеция расмийларидан ЎХХнинг бу мамлакатда рўйхатдан ўтганлиги ҳақида расмий ҳужжат ҳам илова қилинмоқда. Шу муносабат билан ҳаракатимизнинг бошқа давлатларда ҳам бўлимлари мавжудлигини ва Ўзбекистондаги бўлимларимизнинг ҳам рас-

сийлар тарафидан рўйхатга олинмаган бўлсада ўз фаолиятларини давом эттираётганларини муҳтарам ўқувчилармизга маълумот си-фатида билдиришни лозим кўрдик.

Россияда ўзгаришлар. Ўзбекистонда турғунлик

Дума сайловларида Медведев ва Путиннинг иқтидордаги партияси - «Единая Россия» 50 фоиздан ортиқ овоз олишга эришолмади. Тўрт партия ва-киллари парламентга сайлан-дилар ҳамда уларнинг ўзаро зиддияти мамлакат хазина-сини талон қилишларидан сақлайдиган бир воистага айланиши эҳтимол.

Ўзбекистонда эса навбатда-ги «ислохот»дан сўнг Кари-мовнинг ваколат муддати гўёки беш йилга туширилди. Аммо бу муддат қисқартирилгани президентлик стажи мустақиллик давридан зиё-да Ислом Абдуғаниевичнинг истеъфосини англамайди. Шунингдек, Ўзбекистон парла-ментидаги партияларнинг ҳам халқ мулки учун жон куй-дирмаслиги аён. Бундай бир шароитда қашшоқ халқнинг ягона имконияти - давлатни томорқасига айлантирганларга қарши кўтарилиш эканлиги аён. Халқ кўтарилса - И. А. Ка-римов ҳам, ялоқхўрларининг ҳам ақли ўрнига келишини кутиш мумкин.

Муҳаммад Солиҳга қарши кўрсатма беришга зўрланган талаба ўзини ўлдирди



Гулсумой Абдужалилова тўрт кунлик сўроқдан сўнг ўз жонига қасд қилди (суратда ўнг томонда).

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари алъянси тарқатган маълумотга кўра, кейинги тўрт кун давомида Андижон милицияси томонидан сўроққа тутилган Гулсумой Абдужалилова 4 декабр куни ўз жонига қасд қилган.

Ташкилот раҳбари Елена Урлаеванинг Озодликка айтишича, Гулсумой Абдужалиловадан ўзбек мухолифатчиларига қарши кўрсатма бериш талаб қилинган.

- Андижон вилоят Ички ишлар бошқармасида Гулсумойни Ўзбекистон Халқ ҳаракати раҳбари Муҳаммад Солиҳга қарши кўрсатма ёзишга мажбурлашган, сўроқ пайти қийнашган, дўшпослашган. Уни тўрт кун давомида тўхтовсиз қийнашган. Гулсумой ўлиmidан олдин хат ёзиб кетган. Хатда “Мени бир қанча мухолифатчиларни ўлдиришга мажбурлашмоқчи бўлишди. Кимнидир ўлдиргандан кўра ўзим ўлганим маъкул” деган. Тўрт кунлик сўроқдан кейин уйига қайтиб, кўп миқдорда дори ичган ва шу-

нинг натижасида ўлган, дейди Елена Урлаева.

Андижон вилоятининг Кўрғонтепа шаҳрида яшаган 32 ёшли Гулсумой Абдужалилова Германиядаги университетлардан бирида, иккинчи курсда ўқиётган бўлган.

Гулсумойнинг танишларидан бири, ўз исми-шарифини ошкор қилмаган ҳолда Озодлик билан боғланиб, Абдужалилованинг ўз жонига қасд қилганини тасдиқлади.

“Андижонда яқин бир қариндоши оламдан ўтгач Гулсумой опа вақтинча таътил олиб уйига кетган эди. Биз у билан Skype орқали боғланиб турдик. Уни милиция бўлимига сўроққа чақиришди.

Кейин унинг жуда кўп миқдорда дори ичиб ўлгани ҳақида хабар келди” дейди Гулсумойнинг танишларидан бири.

Би-би-си радиоси Гулсумойнинг яқин дугонасига таянган ҳолда, «Гулсумой Абдужалиловадан Ўзбекистон мухолифати раҳбарларидан бири Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд уюштириш талаб қилишган” деб хабар тарқатди.

Айни пайтда Гулсумой Абдужалилованинг нима сабабдан сўроққа тутилгани ва нима учун ундан айнан мухолифатчиларга қарши кўрсатма бериш талаб қилингани номаълум қолмоқда.

Андижон вилоят Ички ишлар бошқармасидан бу борада маълумот олиш имкони бўлмади.

Меҳрибон.

Ўзини қурбон қилган синглимиз Гулсумой Абдужалиловага бағишлаб

Эй, қийноқ остида ўлган сингилжон,

Сен зулм олдида кичиксан – гардсан,

Лекин бош эгмасдан, топширдингку жон,

Сен паҳлавонлардан ботирроқ, мардсан!

Гулсумой, бу улуг кураш йўлинда,

Нотавонлар учун ибрат бўлиб қол!

Зулмни ағдариш сенинг қўлингда,

Муштипар қизингдан, Халқим, журъат ол!

Аллоҳ авф этсин гуноҳларинги,

Гулсумой, сен қилдинг ўзингни қурбон!

Сени қийнаган шу жаллодларни ҳам,

Оз қолди, ўзлари қусажақдир қон!

Йўқолажак ҳали, қора булутлар,

Оз қолди, яқинда чиқади офтоб!

Хор бўлажак сени талаган итлар -

Сен билан бошланди, буюк инқилоб!

М. Абутов.

Ислом Каримовнинг диктатура режими Ўзбекистоннинг яна бир беғуноҳ фуқаросини қатл қилди. Олмонияда таълим олаётган Гулсуной Абдужалилова қишки таътилга келганидан фойдаланган Андижон вилояти Ички Ишлари ходимлари бу ёш қизни ЎХХ Раиси Муҳаммад Солиҳга қарши қўйиш ва унинг жонига қасд қилишга кўндириш учун қийноққа солган.



Қийноқ бир неча кун давом этган. Бу орада кечқурун уйига келишга муваффақ бўлган Гулсуной Абдужалилова ўзига қилинаётган зулм ва Ўзбекистон раҳбариятининг Муҳаммад Солиҳга суакисд режаси ҳақида ўз синглиси Мохларойга маълумот беришга улгурган. Ўз ўрнида Мохларой опаси берган маълумотларни “Ўзбекистон Инсон Хуқуқлари Альянси “(“Правозащитный альянс Узбекистана”) жамоатчилиқ ташкилотининг Раиси Елена Урлаевага хабар берган. (<http://uzxalqharakati.com/archives/4323>)

Ўзбекистонда бундай ваҳшиёна қийноқ ва муҳолифат раҳбарига қарши суиқасд фитнаси Президент Ислом Каримовнинг кўрсатмаси билангина амалга оширилиши мумкинлигини дунё жамоатчилиги яхши билади. Ўзбекистон фуқороларини Муҳаммад Солиҳга суиқасдга ундаш биринчи марта бўлаётгани йўқ. 1999 йилда ҳибсга олинган (бугун ҳам қамокда қолаётган) ёзувчи Мамадали Маҳмудга ҳам шу талаб қўйилиб, қийноққа солингани ҳақда ёзувчи ўз мактубларида билдирган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИНИНГ ДУНЁ ЖАМОАТЧИЛИГИГА МУРОЖААТИ

Бундан ташқари, икки ой муқаддам яна суиқасд натижасида ЎХХнинг Русиядаги вакили Фуад Шокирий ўлдириб кетилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг террор ҳаракатлари тез-тез юз бера бошлагани Каримов режимининг қулаш арафасида турганига ишорат ҳамдир. Бу режим ўзининг сиёсат саҳнасида йиқилишини интенсив террор билан тўхтатишга уринаётгани ошқордир. Гулсуной Абдужалилованинг фожеали ўлими Каримов режимининг ваҳшийлигига яна бир далилдир.


Биз дунё жамоатчилигини ва БМТ ташкилотига аъзо бўлган бутун давлат раҳбарларининг диққатини Ўзбекистондаги ғайриинсоний тузум амалга ошираётган бу ваҳшийликларга қаратмоқчимиз. Бу режим ўз халқига вафо қилмагани каби

халқаро майдонда ҳам ҳеч бир давлат ва ташкилот билан тузган шартномаларига вафо қилмайди. Ислом Каримов диктатураси билан алоқа қилаётган давлатлар шуни билишлари лозим-ки, қаттол режим билан дўстлик Ўзбекистон халқига дўстлик эмасдир. Биз зулматдан ойдинликка қараб юраётган бир миллатнинг фарзандларимиз. Ким бўлса бўлсин, бу зулматни тарқатиш учун битта шам билан бўлса-да, ёнимизга келса, ўшадир халқимизнинг ҳақиқий дўсти.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати халқимизнинг озодлиги учун сўнгигача курашишга қарорлидир.

Бу оғир кунларда халқимизнинг ёнида бўлганлар эртага - озод Ўзбекистонда ҳам ёнимизда бўлажакдир!

**ЎХХ Муассислар
Мажлиси,
5 декабрь 2011 йил.**



Ўзбекининг ўғлонлари қолиб, кизлари мард бўлмоқда! Куни кеча андижонлик Гулсимоё Абдужалилованинг ўлими билан боғлиқ хабарлар дунёга тарқала бошларкан, бу хабар табиийки, кўпчиликнинг дилини оғритди. Ўзбекистондаги машъум жинояткор режим ҳар қандай усулларда бўлсин, одамларни қийнаб ўлдиришда давом этаётган ва бу зулмнинг чеки кўринмайди ҳам. Бугунги давр ўзбеклари худди бир қоронғу тунда яшаётган кўзи ожиз бандиларга ўхшаб кетади. Ёруғлик сари чиқишни ҳам иштамайди, сабаби, барибир кўзлари ёруғликни кўрмайди. Демак ёруғ кунга эҳтиёж ҳам йўқ эканда.

Ўзбеклардек хор бўлган ва булганган бошқа бир миллат бу қурраи заминда қолмаган бўлса керак. Йигитларимиз милицияда, йигитларимиз мардикорликда, йигитларимиз ҳамма вақт кимнингдир хизматида. Республикадаги куч ишлатар тизимлар ўзбек йигитлари қолиб, қизларини ҳам хўрлашмоқда ва бунинг учун биров жавобгар бўлмайди ҳам. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов сиёсати шундай ва унинг сиёсатини бугун АҚШ, Исроил, Германия каби дунёнинг тараққий этган демократик мамлакатлари химоя қилмоқда. Ўзбек ўғлонлари ўзбек кизини ўлдириб тагин “йигитмиз”

Кўрпа қавинг, йигитлар!

дея ҳеч бировдан уялмай бош кўтариб юришибти. Садқаи йигит номи кетсин бу ювиндихўрлар!

Ўзбекистон деб аталаётган бу ватан барчамизники ва унда халқимиз бахтиёр яшаши лозим эмасмиди? Республикамининг “узқони кўзлаб” “оқил” ва “доно” сиёсат олиб борадиган Президент Буюк келажак ҳақида сафсата сотганида унга ишонганлар каммиди? Ҳеч ким ишонмагани десак ҳам кўп муболага бўлмайди! Аммо ўзимизнинг номуссизлигимиз боис, ўзимизни бу баъдбахтга яқин тутиб олиш учун ҳам унинг сўзларига гўёки хангу-манг эдик.

Ўзбекининг йигилари! Қаранг, бу сўқир кўзларингизни бир сонияга бўлсада очинг! Кўраясизми, бирингизнинг синглингиз, яна бирингизнинг опангиз бўлган Гулсумоё Андижон милицияси касридан ўлди! У энди йўқ ва унинг қотиллари бўлган андижонлик Худо урган милиционерлар сизнинг орангизда бахтиёр яшашаяпти. Сиз эса эркак номини кўтаришга ҳам ярамай қолдингиз ва нафақат ўзингизни, балки аёлларингизни, болаларингизни қаттол режим зулмидан химоя қилишга ҳам қодир эмассиз.

Гулсимоё Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига аъзо эмасди. У бор йўғи талаба эди ва ўз ватанига хизмат қилиш, уни юксакларга кўтариш илинжида бўлгандир. Оқибат, ватан ундан ўзбек мухолифати раҳбарларини ўлдиришни талаб қилди. Гулсимоё ўзига сотқинликни раво кўрмади, шунчаки бу ватанга ҳам, бу режимга ҳам, унинг ҳамма ерда ҳозирнозир лайчалари, милиционерларига ҳам лаънат айтиб бу дунёни тарк этди. Эркаклар номард бўлган жойда у мардикни намо-

ён қилди.

Ой ўтар, балки яна бирор йил ўтар, унинг ҳам номи унут бўлиб кетар. Тагинда биз “ҳурматлик” ва “азиз” “инсон” бўлган президентимизнинг қўйнига қараб отилармиз. Тўғрида, у бизга милицияданми, хавфсизлик хизматидан иш бериб қолса ит бўлиб ўз халқимизнинг бошини ғажишга тайёрмиз. Ахир бизда на ор-номус, на матонат ва ғайрат қолмаган бўлса халқнинг қисмати ҳам шу бўлади!

Ўзбек ўғлонлари, йигит деган номни кўтарманг. Бошларингиз рўмол ўранг, зеро йигит номи сизга хос эмас. Негаки, сиз уйингизда кўрпача устида ўтириб, аёлларингизни ҳокимиятлар олдида чиқараясиз! Сиз милиция ва хавфсизлик хизматларида ишлаб кизларимизни ҳам қийноққа тутуаясиз! Сиз мана шу органларга чакимчилик қилишгача ҳам бораясиз! Йигит номи сизга хос эмас!

Ўтган йил Сухондарёлик Райхоной Соатованинг 12 нафар милиция томонидан зўрлангани ва унинг қамоқда туғгани ҳақида хабарлар тарқалганди. Миқэтмадингиз! Бу тартибда кизларимизнинг номусларини топташ ҳали ҳам тўхтагани йўқ ва у давом этаётган. Мана энди кизларимизни қийнаб ўлдиришлар ҳам бошланди, аммио сиз тагин сукутдасиз. Кўзингизни очиб қаранг, Гулсимоё сотқинлик қилмайман деб ўлди ахир! Уйингизда жимгина ўтириб кўрпа қавинг йигитлар! Бошқасига ярамадингиз!

Йигитлар номард бўлган юртда қизлар мард бўлади!

Тўлқин Қороев
Швеция.



Сайтимиз ўқувчиларига ЎХХга алоқадорликда айбланиб тазйикқа учраган Аллоҳ мағфират қилган бўлсин Гулсумой Абдужалиловани фожеъасига доир баъзи фикрларимни билдиришни лозим топдим.

Охирги бир ёки бир ярим ой ичидаги воқеъларни қисқача гапириб ўтишга тўғри келади.

Тазйиклар

Гулсумой уйига кетгач, уни Тошкентдан келган терговчилар кечаю кундуз оч

Адолат Талаби Шудир

Қодир Мавлонов

Эсларингизда бўлса, ЎХХ сайтида Қодир Мавлонов деган кимсани ЎХХ номидан Мой Мирдаги саҳифасига эълон берганини ва унга Ўзбекистондан бир аёл муҳолиф руҳдаги мақолалар юборганлигини ва оқибатда ўша аёл тазйикқа олинганлигини маълум қилгандик.

Бу Қодир Мавлонов ҳақида менбехосданбилибқолгандим. Мархума Гулсумой Абдужалилова ўша тазйикқа учраган аёлни дугонаси экан. Ва унга ёрдам беришни илтимос қилиб менга фаесбоок саҳифаси орқали хат ёзганди. Мен дугонасига нима сабабдан тазйик бўлаётганини суриштирсам, Гулсумой “дугонамни сизларга юборган мақоласи учун тазйиклар бўлаяпти” деганди.

Мен “ЎХХ сайти муҳаррири бўлсам, менга мақола келмаганку десам”, Гулсумой; “сизларда Қодир Мавлон дегани бор экану, дугонамни мақоласини шунга юборганман ўзим” деганди.

Кейин мен суриштириб кўрсам, ЎХХга аъзо ташкилотлар орасида унақа одамни

ўзи йўқ экан. Шунда уни ИАК режими жосусларини иши эканини англадим. Ва бундан ўқувчиларни огоҳлантириш учун сайтга эълон чиқардим.

Кейинчалик мен ўша мақолаларни Гулсумойдан олиб ЎХХ саҳифасида эълон қилдим.

Хуллас, ўша сабаб мен Гулсумой билан гаплашиб турганман.

Уни дугонаси бир ҳафта камалиб чиққач, яшириниб юрди ва ҳозирда тазйикдан узокда алҳамдулиллоҳ.

Аммо, кейин ўша Қодир Мавлон дегандан сайтга бир неча ҳақоратли изоҳлар келди. Табиийки, уларни чиқармадик.

У кимса, кейин гумонимча Мой Мирда Саид Саидов номи билан бошқа адрес очиб мен билан ҳам дўстлашиб олди. Ҳозирча у ўзини кимлигини билдирмай турибди. Мен ҳам билмагандек турибман. Бир биримизни кузатяпмиз. Аниқ билмаган одамни жосусликда айбланиш мумкинмас. Шунинг учун ҳам жим турибман.

Адолат Талаби Шудир

наҳор олиб ўтириб, турли хил қийноқлар ҳақоратлар қилиб ЎХХга алоқадорлигини тан олишга мажбурлашган.

Уни аввал МХХ чақириб, доно Юртбошига содиқ бўлишга тилхат ёздириб олган. Кейин Тошкентдан келган Терговчилар аввал бир марта чақириб, икки кундан кейин кетма кет тўрт марта терговга олиб боришган.

Терговга уни Онасини, Акасини, укасини, синглиси ҳаммасини олиб бориб, алоҳида хоналарда қўйиб тергов қилишган.

Шоҳида исмли айикдек баҳайбат мелиса аёл уни шланги билан уриб турган. Ундан муҳолифатчиларга нисбатан тухмат гаплар ёзиб беришни талаб қилишган.

Фалончи, Менга Ўзбекистонга бориб, мен айтган жойга бориб ўзини портлатасан деб айтди”деб ёзишни талаб қилишган.

Ва кейин эса ўлдиришни талаб қилишган. Акс ҳолда онасини машина уриб кетишини, акаси қамокда чиришини айтиб кўрқитишган.

Шу тергов давомида мелисалар скайп орқали ким



биландир гаплашиб уни ЎХХга алоқадорлигини тасдиқлайдиган кўрсатма ҳам олганлар.

Ана ўша кимса, Ьахминимча Қодир Мавлонов номи остидаги МХХ жосуси бўлган.

Ва айна ўша кимса бу кизни бошига етди.

Жосус ўзбекчани яхши гапиролмайдиган одам экан. Ўзбек тилида чала гапирган.

Бизда Қодир Мавлонов номи остида ишлаётган кимсани ёзган хатлари бор. Тўрт қатор гапниям тўғри ёзолмаганидан уни ўзбекчани яхши билмайдиган кимсалиги маълум бўлади.

Бу кимсани турли номлар остида интернетда жосуслик қилиб юриши маълум бўлди. Ва аниқ билганимиз бир аёлни бошини еди. Бирини қамалиб ватандан чиқиб кетишга мажбур қилишди.

Бу ким бўлиши мумкин? Аллоҳ билгувчидир.

Мен доим ким билан алоқа қилсам, унга агар Ўзбекистонга бориб келиб юрадиган одам бўлсангиз, мен билан алоқа қилманг, ёки ўз исм фамилянгизни ёзманг деб огоҳлантираман. Бу гапларни Гулсумойга ҳам айтгандим.

Афсус, у соддалик қилди. Эътибор бермади.

Мен ўзимни уни бошига тушган мусибатга қисман айбдор деб биламан.

Ва унга ёрдам қилолмаганимга афсусланаман.

Ва уни ўлимига аввало ИАКни ва уни режимини ва

кейин ўша Тошкентдан келиб тергов қилган тўртта кимсани айбдор деб биламан.

Уларни жазо олиши шарт деб ҳисоблайман.

Адолат талаби шудир!

МХХ Талвасада

Албатта, ИАК режимида бўлаётган ҳар бир жинойт ортида МХХ туради. Жумладан Гулсумой фожеъасида ҳам шундай бўлди.

Улар бошқа жинойтлари каби, бу қилмишлари ҳам ёпди ёпди бўлиб кетишини жуда истаяпдилар. ИАК ва уни режими халқдан кўрқади. Бугунги кунда Германиядаги ўзбек элчихонасидаги айғоқчилар ҳам Гулсумойни изини яширишга урина бошлашди.

Ўша ерда яшаётган немисга эрга тегиб кетган, ўзбекистонлик бир шаллақи аёлни менга телефон қилдириб, ЎХХни Сайтидаги Гулсумойни суратини ёнидаги кимса менман, мени суратимни олиб ташланг деб гапиртиришди.

Мен ундан ёнингиздаги ким десам, уям мени танишим исми Ирода Гулсумой эмас деб жавоб берди. Мен ундан сиз Гулсумойни танирмидингиз десам, унақа қиз умуман бўлмаган Германияда деди.

Мен бу аёлни суратини рухсатсиз қўйишимиз нотўғрилиги учун уни ёлғиз тушган суратга алмаштирдим. Кейин билсам бу аёл

Б.Б.С.игаям тел қилган экан сурат бўйича, улар ҳам унга ишонишибди шекилли суратларни олиб ташлашибди.

Кейин бу аёл ёки улар биргаликда ЎХХ сайтидаги турган барча эмаилларга хат ҳам ёзиб чиқибди сурат масаласида.

У менга +496221863627 номеридан тел қилди. Мен унга сиз топширикни эплаёлмадингиз, Элчихонадагиларга айтинг бошқа одам топишсин ўрнингизга десам, русчалаб сўкиб трубкани қўйиб қўйди. Кейин маълум бўлишича, бу рақам магазинни номери экан.

Бу дегани, ИАК режимига бечора Гулсумойни расмини ЎХХ сайтида туриши ёқмаяпти. Чунки, режим жинойтини яширишга уринаяпти. Улар бу мавзуда гап тарқамаслигини истаяпди. Аммо, начора?

Биз яқинда Гулсумойни ўлими олдидан ёзган хатини ҳам ўқувчиларимиз эътиборига тақдим этамиз. Ва бу жинойтни қилганларни жазоланишигача фаолиятимизни давом эттираемиз. Ноҳақ ўлдирилган армонлари дилида кетган кизни ҳаётига зомин бўлганлар жазосини олишлари керак. Ва иншааллоҳ яқин кунларда оладилар!

Адолат Талаби Шудир!

М.Абутов.

Ал қасос ул минал Ҳақ!



Сарвар Усмон

Андижондаги тазйиклардан сўнг ўз жонига қасд қилган Гулсумой Абдужалилованинг Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг кўнгилли фаоли бўлгани айтилмоқда.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари альянси тарқатган маълумотга таяниб, Озодлик радиоси андижонлик Гулсумой Абдужалилова 4 декабр куни ўз жонига қасд қилгани тўғрисида хабар қилган эди.

Ташкилотга кўра, Абдужалилова тўрт кун давомида Андижон милицияси томонидан сўроққа тутилган ва ундан ўзбек мухолифатчиларига қарши кўрсатма бериш талаб қилинган.

Гулсумойнинг танишларидан бири, ўз исмиини ошқор қилмаган ҳолда Озодлик билан боғланиб, Абдужалилованинг ўз жонига қасд қилганини тасдиқлаганди.

Би-би-си радиоси Гулсумойнинг яқин дугонасига таянган ҳолда, “Гулсумой Абдужалиловадан Ўзбекистон мухолифати раҳбарларидан бири Муҳаммад Солиҳга қарши суиқасд уюштириш талаб қилишган” деб хабар тарқатганди.

Бу хабар тарқатилганидан бери марҳумага оид баъзи маълумотлар пайдо бўлдики, улардан пайдо бўлган саволлар жавобини озлаб кўрдик.

Гулсумой Абдужалилованинг ўлими тўғрисидаги хабар ёйинланган куни Ўзбекистон Халқ ҳаракати сайтида эълон қилинган “Таъзия”да марҳуманинг Ҳаракатга аъзо эканлиги инкор этилди. “Аслида уни (Гулсумой Абдужалилованинг – Озодлик) ЎХХга алоқаси йўқ эди”, дейилган ўша материалда.

Орадан бир кун ўтиб, Facebookда Гулсумой Абдужалилова деган аёлниги саҳифаси борлиги маълум бўлди.

Саҳифа эгаси ўзи тўғрисидаги маълумотларни келтирар экан, “иш жойи” деган сўровга “Ўзбекистон Халқ ҳаракати”, деб ёзган.

Facebookдаги Гулсумой Абдужалилова марҳума Гулсумой Абдужалиловадир, дейиш учун саҳифадаги бошқа маълумотлар асос бўла олади.

Гулсумой нима учун қурбон бўлди?

Хўш, марҳума ЎХХга аъзомиди-йўқмиди?

Биз бу саволни ташкилот Муассислар мажлиси аъзоси, Тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи Намоз Нормўминга бердик.

Озодлик: *Гулсумой Абдужалилова Ўзбекистон Халқ ҳаракатида ишлаганими, ишлаган эмасми?*

- Мен буни тасдиқлай олмайман. Биласизми Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг учта расмий бошқарув органи бор. Булар – Муассислар мажлиси, Марказий котибият ва Тафтиш кенгаши. Яна бизнинг турли давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ва Россияда расмий бўлмаса ҳам фаолият бошлаётган бўлимларимиз бор. Шу билан бирга бизнинг аъзоларимиз бор. Биз буларнинг рўйхатини бирор жойда эълон қилганимиз йўқ. Аъзолардан бошқа хайрихоҳ бўлганлар ва кизикқанлар бор. У киши хайрихоҳ сифатида, кизикқан сифатида балки Facebookка кириб ҳаракатимиз ҳақида бошқаларга маълумот берган бўлиши мумкин. Лекин ҳаракатимизда расмий фаолият олиб борган, деб мен тасдиқлай олмайман.

Озодлик: *Сиз Ўзбекистон Халқ ҳаракати фаолиятида иштирок этмаган, дер экансиз Гулсумой Абдужалиловани Ўзбекистон махсус хизматлари ўз жонига қасд қилишга мажбур қилган, деган баёнотни қандай асосларга таяниб айтаянсиз?*

- Саволингиз ўринли. Чунки у киши Ўзбекистонга бориб милиция сўроқ қилиб бошлаган кундан эътиборан оиласи билан, яқинлари билан алоқада бўлган ва кечкурун келиб синглиси билан кўришган. Яна мана Елена Урлаева деган ҳуқуқ фаоли бор. Унинг қўлига Гулсумойнинг ёзиб берган кўлёмалари ўтган. Булар ҳақида Елена Урлаева бизга маълумот берди. Булар тасдиқланган маълумотлар.

Ўзбекистоннинг Андижондаги

ички ишлар ходимлари у кишининг Ўзбекистон Халқ ҳаракати билан боғлиқлигини ва шундан кейин Ўзбекистон Халқ ҳаракати муассислар мажлиси раиси Муҳаммад Солиҳга суиқасд қилишни, агар шуни қилмаса, ўзига ва оиласига жуда ёмон бўлишини, ҳукумат уларни жазолантиришини айтгани ҳақида ҳужжатлар, қўлёмалар ташлаб кетилган яқинларига. Биз шуларга асосланиб айтаяпмиз буларни.

Озодлик: *Сизлар ўша гапларга тўлиқ ишонасизлар.*

- Биз ишонамиз. Чунки бу биринчи нарса эмас ва бу Ўзбекистон ҳукуматининг ғайриодатий фаолияти эмас. Ўзбекистонда диктатура ўрнатилганидан бери зулм бор ва бу зулм умумий бир зулм. Бу зулмнинг хусусий кўринишларини биз турли шаклда айтишимиз мумкин. 2005 йилги Андижон воқеаларини айтиш мумкин, ҳозир камоқда ётган 10 мингларча сиёсий ва диний маҳбусларни айтиш мумкин. Бу қилинган жиноятни Ўзбекистоннинг тоталитар зулм сиёсатининг парчаси сифатида боғлаймиз биз, дейди ЎХХ Муассислар мажлиси аъзоси, Тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи Намоз Нормўмин.

Ўзбекистон Халқ ҳаракати ўзининг расмий сайтида Гулсумой Абдужалилованинг ўлими муносабати билан “Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг дунё жамоатчилигига мурожаати”ни ҳам эълон қилди.

Ҳужжатда ҳозиргина жаноб Нормўминдан эшитганингиз фикрлар мавжуд.

ЎХХ фаоли бўлган яна бир ўзбекистонлик талабанинг 7 декабр куни Озодликка билдиришича, Гулсумой Абдужалилова Мюнхендаги Людвиг Максимилиан университетида ўқиган.

ozodlik-org.

Ойдин Солих

Инсон вужудидаги безларнинг ахамияти

Масалан, безлардан биттасининг - тироид безининг ахамияти салмоғини кўрайлик. Бизнинг жисмоний вужудимизда психорухий марказлар бор.

Бу марказлар муайян бир савияда нерв системаси ва гормон чиқарувчи безлар билан боғлиқдир. Улар бизнинг рухий-маънавий мартабаларимизни кўрсатади.

Эзотерик терминология ва каббалистлар бўғиз маркази - тироид бези рухий энергия ва шуур билан боғлиқ бўлиб, нафасни идора қилишини айтадилар. Уларга кўра, бу минтака "Daath" минатқасидир. "Daath" иброний тилида илмдир. У зехн, овоз ва магия манбаидир.

"Daath" инсон руҳининг энг юксак билинч нуктаси бўлган соф кучнинг шаклланган ери ва шакллар оламида энг юксак бирикдир.

"Daath" билан боғлиқ рухий ва жисмоний олам очилган сари инсон билинчида қатта ўзгаришлар юз беради. Ва бизга мусаллот бўлган кўркувлар, тўсиқлар, психологик бузуқликлар кучимиз ва илохий борлиқлар сифатида мавжудлигимизнинг нурида эриб йўқ бўлади. Билим кўпригини кечганимиз ондан бошлаб, жаҳолатга қайтиш йўқдир.

Юрак - сезгининг манбаи, руҳнинг саси, ички муриддир. Инсон фақат бўғиз (психожисмоний марказ) ни уйғоқ тутаолсагина шуурли мавжудот мартабасида қола олади. Қалбий ҳиснинг тушунчага айланиши учун қалб энергияси жисмоний мияга юксалиши керак.

Бу бўғиз маркази (тироид) нинг ёрдами билан ҳосил бўлади. Миясиз қалб практик тушунчадан маҳрум борлиқдир. Қалбсиз мия эса совуқ ва лоқайд бир мавжудотдир.

Баданимизнинг моддий ва психик кучлари оҳангли бир шаклда ҳаракатга кечирмок учун фақат ва фақат бўғиз маркази (тироид) воситасида амалга ошади. Жисмоний ва психик баданнинг бир-биридан айрилиши бўғиз маркази воситасида юз беради.

Бундан ташқари, тироид иккинчи жинсий бездир.

Кўришиб турибди-ки, тироид жисмоний ва рухий вужуднинг муҳим органларидан биридир.

ГУЛНОРА ВА ЛОЛА КАРИМОВАЛАР ЎҒИРЛАГАН БИР МИЛЛАРД ДОЛЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТАРИЛАДИ

Ғарб матбуотининг билдиришича Диктатор Исллом Каримовнинг қизлари Гулнора ва Лола Каримовалар Швецариянинг энг бой инсонлари руҳиятига киритилибди. Уларнинг умумий бойли-



ги бир миллиард доллардан ошиқ экан. Булар ўзбек халқининг ўғирланган бойликлари эканлиги ҳаммага маълумдир. Аммо Швецария қонунларига кўра элчилик мақомига эга бўлганларга бу мамлакатда яшаш ва уй жой сотиб олиб ҳаққи берилади. Гулнора Каримова Испаниядаги ва Лола Каримова ЮНЕСКОдаги Ўзбекистон элчилари бўлганлиги учун, ўзбек халқи отасидан ҳам қизларидан нафрат қиладиган, бу сохта бой хонимлар, Швецарияда яшаш ва ўзлари ўғирлаган пулларни бу давлатдаги банкларга қўйиш ҳуқуқини қўлга киритганлар. Яна маълум бўлишича Каримовнинг эркатой қизлари бу мамлакатда 20 миллион долларга яқин нархда виллалар сотиб олган. Диктаторларнинг ёлғончилиги ва ўз халқларининг бойлигини ўз моли мулки, деб билиши маълум гап. Аммо улар тахтдан қулаши билан бутун умидларини боғлаган бойликлари қўлларидан бир онда чиқиб кетади. Саддам Ҳусайн, Хусни Муборак, Муаммар Каддафи, Зайналобидин ибн Али каби диктаторлар бир кунда мол мулкдан ҳам тожу тахтдан ҳам айрилиб қолишига шу кунларда гувоҳ бўлиб турибмиз. Аммо уларнинг касофати фақат ўзларининг бошларинигина еб қолмасдан бола чақасию, неvara чевараларига қадар расвои олам қилганлиги ҳам бир ҳақиқатдир. Исллом Каримовнинг ҳам мана шу йўлдан бораётганига ўзбек халқи гувоҳ бўлиб турибди. Каримов диктатураси тугаши билан ЎХХ бу пулларни Ўзбекистонга қайтаради, иншаллоҳ. Бир миллиард долларга ҳар бири 1 миллион долларлик мингта касалхона ёки мингта мактаб қуриш мумкин. Ўзбек халқининг ҳалол меҳнати билан тўпланган бу пуллар ватанимизга қайтарилгандан кейин, уларни мана шундай яхшилик йўлида ишлатиш керак бўлади.

Йўлдош Абдулла ўғли, 4 декабрь, 2011 йил.

Кўлимда сўнгги
тош қолди,
Кўнгилда сўнгги
интилмак...
Чўлпон.

Бу шундай бир синовми?

Мухолифат – умумхалқ тилида айтадиган бўлсак “оппозиция” сўзини негизда позиция ётади. Бу дегани бир позицияга нисбатан позицияни эгаллаш деганидир – ҳар ҳолда сиёсий технология позицияни мустаҳкам ушлаб туришни тақозо этади. Шу маънода Ўзбекистон Халқ ҳаракати ваҳший бир режимга мухолифат сифатида, унинг лидери Муҳаммад Солиҳ атрофида ўз позициясини сақлаб келаётган ташкилотдирки, бу уни пароканда қилишга уринаётган мустабид тузум қабиҳликларида яққол кўзга ташланади. Бу қабиҳликлар кўйидагиларда кўринади:

1. Кўпчилик у ёки бу турзда ҳукумат думини босгани учун жазоланган ўзбек жамоаси вакиллари маълум вақт ўтиб озод этилди, (уларни номма ном келтириб ўтирмаймиз) аммо Муҳаммад Солиҳнинг укаси Муҳаммад Бекжон ва унинг яқин дўсти, улуғ адиб Мамадали Махмуд ҳамон озод этилгани йўқ. (Мен номини келтирмаган сиёсий маҳкумлар сони албатта кўпроқ)

2. Айнан Муҳаммад Со-

лиҳга ҳайрихоҳлиги учун қирғизистонлик ёш журналист Алишер Соилов, россиялик тадбиркор Фуад Шокирий ўлдирилди бу қурбонларнинг сўнгиси мухолифатни бадном қилиш мақсадида муттасил қийноқларга тугилган Гулсумой Абдужалилова бўлди. (Қурбонлар рўйхати ҳам биргина шулардан иборат эмас) Ўзбекистон ҳамжамиятидаги ҳеч бир гуруҳ режимнинг бу қадар жирканч қаршилигига дуч келмаган.

3. Мухолифатни пароканда қилиш учун унга ҳайрихоҳ деярли ҳар бир қатлам, ҳар бир гуруҳ, ҳар бир шахсга мақсаддан чалғитувчи, кўркитувчи муждалар берилди, (масалан “мухолифатнинг бошқа бир каттароқ лидери бор”, “лидерларни сайлаш ёки алмаштириш керак”, “ёшлар мухолифатга ишонмайди” кабилида) бу зарбалар асосан бир нуктага – Муҳаммад Солиҳ шахсига қаратилди.

4. Мухолифат атрофида Ризо Обид, Абдурахим Пўлатга ўхшаган доимий масхарабозлар тўдаси яратилди. Улар гоҳ мухолифатнинг бирлашмагани, гоҳ

уларнинг экстримист террорчи гуруҳларга мансублиги ҳақида “дезо” тарқатиш билан шуғулланишди.

Четданқарагандапасткашлиқдан иборат кўринсада, ҳукумат бу усул билан ўз мақсадларига қисман эришди – мухолифатдан кимларнингдир ҳафсаласи пир бўлди, кимлардир уни тарқэтди, кимлардир эса шараф билан ўлишни афзал кўрди.

Атрофни кузатаркан, на мухолифатга, на ҳукуматга тааллуқи бўлмаган бошқа бир гуруҳга кўзим тушадди, уларнинг сони ҳар икки гуруҳдагилардан ҳам анча кўпроқ, сиёсатлари, ғоялари ва динлари ҳам турлича ва бу нормал ҳолат. Бироқ, улар орасида умидсизликдан, чорасизликдан кўлидаги сўнгги тошини мухолифатга қарши отишга чоғланаётганлар бор. Шусиз ҳам жабр ситамлари ҳаддан зиёда бўлган ўзбек мухолифати бу тошбўрон остида ўз позициясини ўзгартирадими ёки бу мухолифатни мустаҳкамлаш учун шундай бир синовми, мен учун қоронғу...

Қудрат Бобожон,
журналист.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) – бу миллат келажаги учун кураш бошлаган асл ўзбек фарзандлари томонидан тузилган сиёсий уюшма бўлди. Ўзбек мухолифатининг бу иттифоқи ватанда хукмрон бўлиб қолаётган Ислом Каримов режими безовта қилиб келмоқда. Маълумингизки, ҳаракат тузилган дастлабки кунларданок режим томонидан унга қарши турли-туман бўҳтонлар, ҳаракат фаоллари ва аъзоларининг Ўзбекистондаги қариндошларига таъзийқлар ўтказилиши бошланди. Жиноятчи тузумнинг чап чўнтагида сақланиб турган турли оммавий ахборот воситалари ҳаракат номини коралашга, баъзи ҳолларда улар орасида террорчилар борлигига ишоратлар янграй бошлади. Аммо ҳали бу режим ҳам ЎХХ ни террористик ташкилот, дея жар солишга жазм эта олмаганди. Нима учун деган савол туғилади?. Ўзбекистонда туб ислохотлар ўтказиш талаби билан майдонга чиққан бу гуруҳни “террорчилар” деб аташ ақли ноқис одамнинг сўзи бўлиб чиқишини ҳаттоки Ислом Каримовнинг ўзи ҳам тушуниб етган бўлса керак.

Албатта бу билан режимни ва унинг раҳбарини “оқил” ва “доно”, деб эътироф этмоқчи эмасмиз. Ҳар ҳолда улар ўз фойдаларини, манфаатларини кўзлаганларида жуда оқилвадоно бўлсаларда. Лекин ақли расолик, айниқса у давлат раҳбарлигига даъво қилаётганларда тафтиш қилинса уларнинг халқ манфаати

йўлида олиб бораётган фаолиятлари даражасида ўлчанади. Шундай экан, ҳукуматимиз ақли расолиги фақат кичик бир тоифа учун ва мана шу тоифа хизматида юрган малайлар учунгина оқил ва донодир.

МИЛЛАТ ХОИНИ



ЯНА “УВ” ТОРТМОҚДА

Албатта биз бу ерда уларнинг ақли қай даражада эканлигини тафтиш қилиш билан ҳурматлик ўқувчининг вақтини олмоқ ниятида эмасмиз. Мақсад, диктатура ҳукумати томонидан элга қарши қўлланилиб келинаётган таъзийқ ва таъқибларнинг янги бир босқичга кўтарилаётганлигидан кўпчилиқни огоҳ этиш ниятида бу фикрларни ёзаяпмиз.

Мустақилликнинг илк йиллариданок мамлакатда қатағон сиёсати бошланди. Унда аввалига дунёвий мухолифат аъзолари жиноятчиларга айлантирилган бўлса, кейинчалик бу қопқонга Ўзбекистондаги диний жамоалар тушди. Аввалига ўзбек мусулмонларининг чўнтақларидан наркотик моддалар “топилди” Кейинчалик эса кимнинг

уйидан диний адабиётлар “чиққанлиги” уларни терроризм тарғиботчиларига “айлантирди”. Аста секинлик билан варақалар амалиётлари ўтказилина бошланди. Варақалар даври ўтди шекили, кишилар уйдан чиққан Куръон уларнинг “террорчи”, деб айбланишига асос қилиб олина бошланди.

Афғидан бу ҳам ўтмишга айланмоқда ва эндиликда Ўзбекистондаги диктаторлик режими ўзбекистонликларни ЎХХ аъзоликда айблаш йўлини танласа ва яқин орада бу ташкилотни

“террорчи” гуруҳи, деб эълон қилса ажаб эмас. Табиийки савол туғилади: Нега? Асос қани? Бундай фикр юритиш учун зарур бўлган асосни ўзини Ўзбекистон Бирлик Халқ Ҳаракати Партияси деб атайдиган Абдурахим Пўлатов гуруҳидан ва унинг ифвогар интернет саҳифасидан излаш лозим.

4 декабрь кунда “Ҳаракат” агентлиги сайтида қисқагина бир хабар қўйилди http://www.harakat.net/e1_news.php?id=10087. “Юрт ташқарисидаги ўзбекнинг масхарабоз-террористлари Ўзбекистонда ташкилотланишмоқчи, иш Самарқанддан бошланибди” деган сарлавҳа остида берилган бу хабар режимнинг янги қурбонларидан ва уларни қандай қисмат кутаётганлигидан дарак беради.



“Маълумки, юрт ташқарисида Ўзбекистон халқ ҳаракати номли масхарабоз-террористлар уюшмасини тузганлар ўз сафларига номини айтишни истмаса ҳам, юрт ичида фаолият олиб бораётган яна бир ташкилот кирганини иддао қилгандилар. Энди шу ташкилотни қоғозда бўлса ҳам тузиш ҳаракати бошланибди. Қарда денг, Самарқандда бошланибди. Ташкилотнинг асоси сифатида бир маҳаллар Михаил Ардзинов раҳабарлигида тузилиб, асосан “Бирлик”га қарши иш олиб борган Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Мустақил Ташкилоти олинди. Бугун Самарқандда тўпланган уч киши бу ташкилотнинг вилоят бўлимига нима бўлаётганидан ҳам хабарсиз бўлган собиқ “Бирлик”чи Алижон Юсуповни тайинлашибди. У Пахтачи туманида яшайди. Ҳа, Ўзбекистон келажаги буюк ўлка. Бу ерда масхарабозлар ҳеч қачон битмайди”. Бу “Ҳаракат” агентлигининг эълон қилган хабари қисқа бўлгани учун уни тўлиғича келтирдик.

Энди бу хабарнинг мутлоқ ёлғон эканлигини ва унинг мақсади Ўзбекистонда ўзгача фикрлайдиганларни йўқотилишига қаратилганлигига эътибор қаратайлик. Не-ча йиллардирки режимга бел боғлаб хизмат қилиб келаётган Абдурахим Пўлатоваслида “Бирлик” партияси учун бегона бўлиб қолганлиги бугун бировга сир эмас. Қолаверса “Бирлик”нинг оддий аъзолари ўзларининг ЎХХга хайрихоҳлигини билдириб келмоқдалар. Масалан, бу ташкилотнинг Самарқанд бўлими фаолларидан баъзилари бу ҳақда ўз вақтида матбуотда ха-

бар тарқатган эдилар. Ўзини мухолифатнинг асоси санайдиган Абдурахим Пўлатовчилар гарчи ўзларини “бирликчилар” дейишсада, бу ифво ва тухмат гуруҳи фаолларини аслида бармоқ билан санаш мумкин, холос. Буюк сиёсий башоратчи Пўлатовнинг ўзи, Швециядан Пулат Охунов, Ўзбекистондан Василя Иноятова ва тагин Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидан икки нафардан тўрт кишигина бу гуруҳга кўра мухолифатнинг асл “ўзаги” саналади.

Хабарда асосан урғу берилаётган жумла “масхарабоз-террорчилар” сўзига эътибор қаратайлик. Бу жумланинг ўзи Ислоҳ Каримовнинг оғзидан олинмаганлигига ким қандай далил келтира оларкин? Мақсад ЎХХ ни “террорчилар” деб аташ ва бу жумлани Каримовчиларнинг синовидан ўтган Абдурахим Пўлатов биринчилардан бўлиб келтираётганлиги режимнинг мақсадларини аён қилмоқда. Демак, келгусида қатағон қилинадиганлар ЎХХ га алоқадорликда айбланишади!.

Самарқанд вилоятида уч кишидан иборат гуруҳ томонидан ЎХХ нинг бўлими ташкил этилганлиги ва унга бу ишлардан мутлақо беҳабар бўлган собиқ бирликчи Алижон Юсуповнинг тайинланганлиги ниҳоятда қизиқ жумлалар бўлган. Савол туғилади: ким ўзи ўша уч нафар мажлис ўтказган шоввозлар ва нега бу ишлардан беҳабар собиқ бирликчи раис этиб сайланади? Бу аҳмоқона жумлаларни ёзишдан мақсад аниқ шахсларни кўрсатиш эмас, балки мана шу мавҳумлик остида кўпчиликни ЎХХ номидан ҳам кўрkitиш, одамларни унга ара-

лашиб қолишдан қайтаришдир. Ўзбекистон фуқаролари ҳар қандай қийинчилик бўлсин, ҳар қандай қама-қамалар бўлсин, ҳаммасига сукут ила жавоб қилди ва бу сафар ҳам шундай бўлишига қаттиқ ишонаётган жинояткор режим янги қатағонлар тўлқинини бошлаб арафасида турибти.

Энди Ўзбекистон ҳукуматиға мухолиф бўлган яккаю ягона куч, Абдурахим Пўлатов ва унинг гу-машталари учун бундан нима наф деган бир саволни ўртага ташлаб унга жавоб излаб кўрингчи. Сиёсий кураш майдонида яккаланиб қолган бу ифвогар тагинда халқ ишончига киришига умиди йўқ. Аммо у “ётиб қолгунча отиб қол” кабилида фаол сиёсий гуруҳларни қоралаш амалиётига ўтиб олган. Тўғрида, Ислоҳ Каримов Ўзбекистон фуқаролари ЎХХга аъзо бўлса ёки бўлмаса, қатағон эта бошласа, охир оқибатда, тишларини оқини кўрсатиб “мана мен мухолифман” дейиш фақат Абдурахим Пўлатовгагина қолади.

Бундай кимсаларни миллат хоини деб аташ жоиз бўлсада, бироқ бугунги янги даврда бундай хоинлар учун жазо ҳам йўқ экан. Хоинлар қикир-қикир кулиб элнинг орасида элнинг тузини еб ҳам яшайверишади. Керак бўлганида хўжайиннинг манфаати учун бир қашқирлардек “ув” тортиб кўйишади. Ваҳоланки бундай кимсалар бошқа бирор ишга ярамайди ҳам. Шу билан ўзбек халқининг кушандасига айланган режимнинг умрининг янада узайишини умид қилишади.

**ТЎЛҚИН ҚОРАЕВ,
ШВЕЦИЯ,
4 ДЕКАБРЬ 2011 ЙИЛ.**



Ўзбекистон Конституциясини ўқиганмисиз?

8 декабр куни Ўзбекистон Республика Конституцияси қабул қилинган кун - расмий байрам. Бу байрам арафасида Ўзбекистоннинг давлат назоратидаги оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон конституциясининг дунёдаги энг одил, энг инсоний ва энг демократик давлат қурилишига асос бўлганини бири олиб, бири қўйиб мақташга тушди.

Ўзбекистон телеканалларию радиоларини кўриб эшитадиган оддий халқнинг қулоғи шу кунларда бундай мақтовдан батанг бўлгулик ҳолга келиб қолди.

Конституция қабул қилингани баҳонасида яна бир кун дам оладиган миллионлаб ўзбекистонликлар ўз умрларида бирор марта мамлакат Бош Қомусини қўлга олиб, уни варақлаганмикин? Конституциянинг ўзларига қандай ҳақлар берганидан хабардормикин?

Шу муносабат билан Озодлик ўзбекистонликларга “Конституцияни ўқиганмисиз? Конституцияда қандай ҳуқуқлар берилганини биласизми?” деган савол билан мурожаат қилди.

Маърифат, уй бекаси:

- **Йўқ.** **Имконият** бўлмаганда. **Хўп,** ўқиганда нима ўзгаради? **Ҳуқуқларнинг** нима фойдаси бор? **Барибир** бир жойга бориб ҳозир ҳуқуқингни талаб қила оласанми? **Бизларда** ўтмайдида у нарса.

Бўлмайди, натижаси бўлганини ҳеч эшитмаганманда. **Камдан кам** бордир энди. **Мен** ҳеч эшитмаганман.

Конституцияда қанақа ҳуқуқларим борлигини ҳам билмайман. **Унинг** қизиги ҳам йўқ менга. **Эрим** билан тенг ҳуқуқли эканлигимни биламан. **Амалда** унақа эмаску лекин. **Ҳуқуқимиз** тенг, деганман. **“Маيلي,** шунақа деб ўзингни хурсанд қилавер” деганлар.

Бахтиёр Ҳақбердиев, Қашқадарё вилояти:

- **Конституцияни** ёддан

биламан. **Мустақил** равишда, **ўзим** хоҳлаган равишда ўзим ўқиб чиққанман конституцияни.

Конституциянинг ҳуқуқларини энди умуман жуда катта ҳуқуқлар бор, лекин амалда эмасда бу. **Китобда.** **Энг** олий кадрият инсон ҳақ-ҳуқуқларида энди. **Инсон** ҳақ-ҳуқуқи нимаси бўлса, **қўрагини** кериб юрадида. **Масалан** мана 13-модда. **Инсон** ҳуқуқлари энг олий кадрият ҳисобланади тўғрими? **Китобда** дунё стандартларига мос келадиган жуда чиройли сўзлар ёзилган. **Лекин** унинг талабини бажармайдида настда ўтирганлар. **Ҳар** бир областда биттадан прокурор бўлса, **вилоят** миқёсидаги қонуннинг назорати шу инсонга берилган тўғрими? **Лекин** вилоятда қонун ишламаганидан кейин вилоят

прокурори жавоб бериши керакми?

Фарход, Сурхондарё:

- **Йўқ,** ўқимаганман. **Вақт** бўлмаган, қизиқмаганмизда ака. **Мақтабни** базўр битирганман.

Шарофат, Термиз:

- **Ҳа,** мен **Қумқўргонда** ўқиганман. **1979** йил. **У** вақтда коллеж йўқ эди. **Биз** ўтмаганмиз. **Биз** мустақилдан олдин битирганмиз. **Ака,** бошқа гапингиз йўқми? **Мен** шошилайтган эдим.

Термизлик коллеж талабаси:

- **Коллежда** ўқиймиз. **Ҳуқуқларимни** ҳам биламан. **Лекин** уларни айтишим шартми? **Биз** унақа билан шугулланмаймизда. **Техника** билан шугулланамиз. **Катта** машина.

Мадина, Тошкент вилояти:

- **Ўқимаганман.** **Вақтим** йўқ. **Ҳуқуқларим** бўлса ҳам ҳуқуқларим нимадан иборатлигини билмайман. **Қонуннинг** ишлашлигини ҳам билмайман.

Унақа ҳуқуқлардан чўнтакда пул бўлса фойдаланаверасиз. **100** фоиз фойдаланиб бўлмайди.

Азиз муштарий!

Бу саволга Сиз ҳам жавоб беринг: **Сиз** Ўзбекистон Конституциясини ўқиганмисиз? **Конституция** кафолатлаган ҳақларингизни биласизми?